

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил декабрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Жалақудук туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси А.Қуваталиев, халқ маслаҳатчилари О.Носиров ва Ш.Хайтохуновлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси С.Хабибуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Жалақудук туман прокурор ёрдамчиси Х.Абдуманнопов, судланувчи Д.Абдурахимов ва унинг ҳимоячилари Андижон шаҳар “AS HUQUQ” адвокатлар ҳайъати адвокати Э.Аташов, Балиқчи туман “QUDRATLI HUQUQ” адвокатли бюроси адвокати Б.Тиллаев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Балиқчи туман “QUDRATLI HUQUQ” адвокатли бюроси адвокати Б.Тиллаев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “LEX” адвокатлик фирмаси адвокати А.Маматалиев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “ANDIJON” адвокатлар ҳайъати адвокати И.Мамажоновларнинг иштирокида, [REDACTED] [REDACTED] а оид 1-1701-2502/871-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] фуқароси, оилали,
2 нафар фарзандлари бор, маълумоти олий,
муқаддам судланмаган, “Дон строй-01”
МЧЖда ҳисобчи вазифасида ишлайди,

[REDACTED] бўйича Андижон шаҳар судининг 2025 йил 28 октябрь куни ажрими билан қўлланилган “таров” эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 31 октябрь кунги ажрими билан 2025 йил 28 октябрь кунги суд ажрими бекор қилинган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган.



[REDACTED], маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Андижон вилояти, [REDACTED]

[REDACTED] куни “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2025 йил 28 октябрь куни ажрими билан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси “қамокқа олиш” эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

[REDACTED] Республикаси фуқароси, оилали, 1 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, мавсумий ишчи, муқаддам:

- 1) жиноят ишлар бўйича Андижон шаҳар судининг 2007 йил 21 ноябрь кунги ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлар бўйича Олмалиқ туман судининг 2010 йил 1 февраль кунги ажримига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддаси тартибида ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган,
- 2) жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судининг 2011 йил 10 март кунги ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан, ЖКнинг 60,61,62-моддалари тартибида, 5 йил 9 ой 19 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 26 апрель кунги ажримига мувофиқ, суд ҳукми ўзгартирилиб, айблов ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмидан, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларига қайта квалификация қилиниб, ЖК



276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан, ЖКнинг 60,61,62-моддалари тартибида 4 йил 2 ой 19 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2013 йил 15 январь кунги ажримига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддаси тартибида, ўталмаган 4 йил 2 ой 19 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган,

3) жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2020 йил 3 декабрь кунги ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан, ЖК 57,59-моддалари тартибида 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2021 йил 23 ноябрь кунги ажримига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддаси тартибида ўталмаган 2 йил 3 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2022 йил 19 июль кунги ажримига мувофиқ, ЖКнинг 75-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 3 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан

олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми ва 25,273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, мавсумий



ишчи, муқаддам судланмаган, Андижон вилояти, Андижон [REDACTED]

[REDACTED] 221-моддаси тартибида ушланиб, 2025 йил 14 июль куни “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 2-қисми ва 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга ҳолисона баҳо бериб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2025 йил 12 июль куни соат 16:30ларда Андижон шаҳар, Машъал МФЙ ҳудудида, ёнида суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 июль кунги 786-сонли хулосасига кўра ўз таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи кўп миқдорни ташкил қилган 3,34 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини сотиш мақсадини кўзламасдан ўзини истеъмоли учун сақлаб келаётганлиги Андижон шаҳар ИИОФМБ ЖКБ, ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган “Назорат тартибида наркотик моддасини ва психотроп дори воситаларини харид қилиш” тезкор тадбири давомида аниқланиб, гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида холислар иштирокида баённома орқали олинган.

Судланувчи М [REDACTED] 2025 йил 12 июль куни соат 17:00ларда Андижон шаҳар, Ишчилар МФЙ ҳудудида, ёнида суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 июль кунги 786-сонли хулосасига кўра, ўз таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи кўп миқдорни ташкил қилган 2.03 грамм миқдорда бўлган “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини сотиш мақсадини кўзламасдан ўзини истеъмоли учун сақлаб келаётганлиги Андижон шаҳар ИИОФМБ ЖКБ, ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган “Назорат тартибида наркотик моддасини ва психотроп дори воситаларини харид қилиш” тезкор тадбири давомида аниқланиб, гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида холислар иштирокида баённома орқали олинган.

Судланувчи [REDACTED] 2025 йил 12 июль куни Андижон шаҳар, Машъал МФЙ ҳудудида ўзига олдиндан таниш бўлган О.Сидиковга суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 июль кунги 786-сонли хулосасига кўра, ўз таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи, соф оғирлиги кўп миқдорни ташкил қилувчи 4 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддасини ўтказганлиги, Андижон шаҳар ИИОФМБ ЖКБ, ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган “Назорат



тартибида наркотик моддасини ва психатроп дори воситаларини харид қилиш” тезкор тадбири давомида аниқланган.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] 2025 йил 12 июль куни соат тахминан 20:00 ларда Андижон шаҳар, Машъал МФЙ ўрамида ўзига олдиндан таниш [REDACTED] суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 июль кунги 786-сонли хулосасига кўра, ўз таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи, соф оғирлиги кўп миқдорни ташкил қилувчи 2,03 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддасини ўтказганлиги, Андижон шаҳар ИИОФМБ ЖҚБ, ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган “Назорат тартибида наркотик моддасини ва психатроп дори воситаларини харид қилиш” тезкор тадбири давомида аниқланган.

Бундан ташқари, [REDACTED] 2025 йил 12 июль куни соат 21:00ларда Андижон шаҳар, Машъал МФЙ, 7-уй олдида, сигарет қутиси ва эгнидаги шимининг чўнтақларида суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 июль кунги 786-сонли хулосасига кўра ўз таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи кўп миқдорни ташкил қилган яъни, жами 18.25 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келаётганлиги, Андижон шаҳар ИИОФМБ ЖҚБ, ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган “Назорат тартибида наркотик моддасини ва психатроп дори воситаларини харид қилиш” тезкор тадбири давомида аниқланиб, 2 нафар холислар иштирокида гашиш гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида олинган.

Бундан ташқари, [REDACTED] Андижон шаҳар, Машъал МФЙ, 7-уйда жойлашган 41-хонадонида яъни яшаш хонадонининг ошхонасидаги шкафнинг ичида ва ошхонани пол қисмида, сигарет қутиларида иш бўйича ўтказилган суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 июль кунги 786-сонли хулосасига кўра, ўз таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи кўп миқдорни ташкил қилган яъни, жами 133.85 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини келгусида келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келаётганлиги, Андижон шаҳар ИИОФМБ ЖҚБ, ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган “Назорат тартибида наркотик моддасини ва психатроп дори воситаларини харид қилиш” тезкор тадбири давомида аниқланиб, 2 нафар холислар иштирокида гашиш гиёҳвандлик воситаси, бир дона электрон тарози ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи [REDACTED] 2025 йил 12 июль куни Андижон шаҳар, Ишчилар МФЙ ўрамида ўзига олдиндан таниш бўлган Д.Абдурахимовга суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 июль кунги 785-сонли хулосасига кўра, ўз таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи, соф оғирлиги кўп миқдорни ташкил қилувчи 3,31 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддасини ўтказганлиги, Андижон вилояти ИИБ ЖҚБ ва ДХХ Андижон вилояти бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбири давомида аниқланган.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] 2025 йил 12 июль куни соат 16:30ларда Андижон шаҳар, Ишчилар МФЙ худудида, ёнида суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 12 июль кунги 786-сонли хулосасига кўра ўз таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи



кўп миқдорни ташкил қилган 0,69 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини сотиш мақсадини кўзламасдан ўзини истеъмоли учун сақлаб келаётганлиги Андижон шаҳар ИИОФМБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган “Назорат тартибида наркотик моддасини ва психотроп дори воситаларини харид қилиш” тезкор тадбири давомида аниқланиб, гиёҳвандлик воситаси ашъвий далил тариқасида холислар иштирокида баённома орқали олинган.

Судланувчи Д. [] суд мажлисида, айбига қисман иқrorлигини билдириб, қуйидагиларни яъни 2025 йил 12 июль куни гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб, дам олиш мақсадида, таниши [] кўнғирок қилганини, унга дам олмоқчилигини, гиёҳвандлик моддаси бўлса, истеъмол қилмоқчилигини, ўзида бўлса озгина бериб туришини сўраганида, у уни таклифига рози бўлиб, яшаш хонадонига келишини, ўзининг истеъмоли учун сақлаётган гиёҳвандлик моддасидан озроқ беришини айтганини, шундан сўнг, таниши А. [] бошқарувидаги “Spark” русумли автомашинаси О. [] олдида борганини, [] гиёҳвандлик воситаси ғжақида айтмаганини, уни бу ҳақда ҳабари бўлмаганини, у билан Андижон шаҳар Ишчилар МФЙ Хортум кўчаси ҳудудига боришганини, йўл бўйида уларни [] кутиб олганини, [] автомашинага []

бошқарувидаги “Spark” русумли автомашинада Андижон шаҳар, А.Фитрат кўчасига боришиб, автомашина ювиш шахобчаси ёнига бориб тўхташганини, шундан сўнг, []

[] автомашинага ўтириб, унга бир бўлак “гашиш” гиёҳвандлик моддасини берганини, моддани олиб бир бўлак ажратиб олиб, қолганини чўнтагига солиб қўйиб, ажратиб олган қисмини сигарет учига қўйиб, истеъмол қилмоқчи бўлиб тайёрлаганини [] яшаш уйига олиб бориб қўйиш учун йўлда кетишаётган вақтда, Андижон шаҳар, Ишчилар МФЙ, Хортум кўчаси ҳудудида жойлашган 7-сонли умумтаълим мактаб ёнидан етишганида, улар кетаётган автомашинани икки ёнидан, кейинчалик билган орган ходимлари бошқа автомашиналарда келишиб уларни тўхтатишганини, улар тўхтаганидан сўнг ёнлари ва автомашинани кўздан кечиришганини, ёнларини кўздан кечиришдан олдин ходимлар ўзларини хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, уларга нисбатан тезкор-тадбир ўтказилганлигини маълум қилишиб, ҳар биридан ёниларида тақиқланган нарса ва буюмлар бор ёки йўқлигини сўрашганини, ходимлар икки нафар холислар иштирокида ёнларини кўздан кечиришганида, ёнида истеъмоли учун тайёрлаган тамаки маҳсулоти учига ёпиштирилган бир бўлак ҳамда [] қ. [] олган бир бўлак гашиш гиёҳвандлик моддаси борлигини аниқланганини, модда холислар иштирокида кўздан кечирилиб, далилий ашъ сифатида олинганини, хайдовчи [] ёнидан ҳеч қандай шубҳали нарса ва буюмлари борлиги аниқланмаганини, ИИБ биносига боришганидан кейин, гиёҳвандлик воситаларини оғирлиги ўлчаб кўрилганини, шимининг чўнтагидан олинган бир бўлак модданинг соф оғирлиги 3.31 грамм, тамаки маҳсулотига ёпиштирилган бир бўлак модданинг соф оғирлиги 0,03 грамм эканлиги маълум бўлганини, гиёҳвандлик моддасини истеъмоли учун олганини, уни ҳеч кимга сотиш нияти бўлмаганини, О.Сидиков ҳам моддани



пулга бермаганини, ундан илтимос қилгани учун берганини, қилган ишидан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганлигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи М [REDACTED]

[REDACTED] яъни 2025 йил 12 июль куни соат 17:00ларда Андижон шаҳар, Ишчилар МФЙ ўрамада турган вақтда, ёнига ИИБ ходимлари келишиб, ёнини 2 нафар холислар иштирокида кўздан кечиришганида, шимининг чўнтагидан ўзининг истеъмоли учун сақлаб келган 2.03 грамм миқдорда “гашиш” гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланиб, моддани далилий ашё сифатида олишганини, гиёҳвандлик моддасини ўзининг истеъмоли учун сақлаб келгани ва ҳеч кимга сотиш нияти бўлмаганини, [REDACTED] олмаганини, гиёҳвандлик моддасини 2 йилдан буён истеъмол қилиб келишини, моддаларни ҳеч кимдан сотиб олмаганини, қилган ишидан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганлигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Н [REDACTED] суд мажлисида, айбига иқроп эмаслигини билдириб, қуйидагиларни яъни узоқ йиллардан буён гашиш гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб келишини, 2025 йил 12 июль куни соат тахминан 20:00ларда яшаш хонадонидан бошқарувидаги давлат рақам белгиси 60J757JB бўлган “Tracker” русумли автомашинасида шом намозини ўқиш учун масжидга бормоқчи бўлиб, автомашинага ўтирган вақтда, уни олдига оқ рангли “Ласетти” автомашинаси тўхтаб, ичидан бегона фуқаролар кейинчалик билган ХМҚО ходимлари тушганини кўриб, кўрқиб кетиб, автомашинасини бошқариб кетиб юборганини, йўлда “Лабо” автомашинасига урилиб кетиб, тўхтаганида, ёнига фуқаролик кийимидаги ХМҚО ходимлари келишиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, ўзларини таништиришиб, ёнини икки нафар холислар иштирокида кўздан кечиришганини, шунда, эгнидаги шимининг чап чўнтагидаги сигарет қутисининг ичида қора целофан пакетга ўралган ўзини истеъмоли учун сақлаб келаётган, 1 бўлак ўткир хидли, жигарранг тусли қотирилган модда борлиги, автомашинаси салони ва ёнида жами 400.000 сўм пуллар ҳам борлиги аниқланиб, алоҳида-алоҳида пакетларга солиниб, имзоланиб олинганини, бундан ташқари, Андижон шаҳар, Машъал МФЙ худудида жойлашган 7-уй 41-хонадон яъни яшаш хонадони икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилганида, яшаш хонадонининг ошхонасида жойлашган шкаф тортмасида қора рангли целофан пакетга ўралган 1 бўлак ўткир хидли, жигарранг тусли қотирилган моддаси борлиги аниқланиб, ушбу модда ҳам шу жойнинг ўзида яна бир пакетга, яшаш хонадонининг ошхонасидан 1 дона электрон тарози олиниб, яна бир пакетга, яшаш хонадони ошхонасидаги пол қисмида турган сигарет қутининг ичида қора целофан пакетга ўралган 1 бўлак гиёҳванд модда борлиги аниқланиб, кейинги пакетга, шу жойнинг ўзида оқ целофан пакет парчасига ўралган қуритилган “Наша” ўсимлигини яна бир пакетга солишиб, олинган ҳамма далилий ашёлар баённома орқали олинганини, гиёҳвандлик моддасини ўзининг истеъмоли учун сақлаганини, ҳеч кимга сотиш нияти бўлмаганини, дастлабки тергов вақтида унга нисбатан жисмоний босим ва тазйиқ ўтказилганини, дастлаб уни қўлга олишганида асоссиз равишда 2 кундан ортиқ муддатда сақлаб туришганини, ҳимоячи билан таъминланмаганини, унга



нисбатан ўтказилган жисмоний босимларга чидай олмасдан олинган кўрсатувларга мажбурликдан имзо қўйиб берганини, моддаларни ўзини истеъмоли учун сақлаб келганини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига қисман иқрор бўлиб, қуйидагиларни яъни тахминан 5-6 ойдан буён гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиб келишини, томоғидан жаррохлик амалиётини бошидан кечирганлиги сабабли, оғриқ қолдириш учун истеъмол қилиб туришлигини, Д [REDACTED] узоқ вақтлардан буён танишини, 2025 йил 12 июль куни соат 14:30ларда [REDACTED] унга қўнғироқ қилиб, истеъмоли учун озгина “ташиш” гиёҳвандлик моддаси беришини илтимос қилганида, уни таклифига рози бўлиб, уни яшаш уйига келишини айтганини, у келганидан сўнг, унга истеъмоли учун сақлаб келаётган гиёҳвандлик моддасини бир қисмини берганини, кейин у келган автомашинада Андижон шаҳар, Ўзбекистон МФЙ ҳудудидаги “Ёғ завод” олдидаги автомашиналар ювиш шохобчасига ўзини бошқа шахсий иши бўйича бориб, кейин яшаш уйи томонга қайтиб кетишаётиб, Андижон шаҳар 7-сонли мактаб ёнига етишганида, ХМҚО ходимлари томонидан улар кетаётган автомашинани тўхтатилиб, олдиларига бир неча ИИБ ходимлари келишиб, ўзларини таништиришиб, ёнида тақиқланган нарсалар бўлса, ўз ихтиёри билан тақдим қилишини тушунтиришганида, Д.Абдурахимов билан бирга ўз ихтиёрлари билан ёнларидаги гиёҳвандлик моддаларини тақдим қилишганини, шунда 2 нафар холислар иштирокида Д.Абдурахимовни сигаретига ёпишган 1 бўлак модда 1-сонли пакетга, шимининг чўнтагидаги модда 2-сонли пакетга солиб мухрланганини, хаммалари ИИБ биносига боришганидан кейин, ҳужжатлар расмийлаштирилганини, холислар иштирокида Д [REDACTED] эгнидаги шимини чўнтагидан олинган бир бўлак моддани соф оғирлиги ўлчаб кўрилганда, соф оғирлиги 3.31 грамм эканлиги, тамаки маҳсулотига ёпиштирилган бир бўлак модданинг соф оғирлиги 0,03 грамм эканлиги, ундан олинган гиёҳвандлик моддасининг соф оғирлиги 0,69 грамм эканлиги аниқланганини, [REDACTED] гиёҳвандлик моддасини илтимос қилиш учун берганини, бунинг учун пул ёки бошқа моддий қимматликлар олмаганини, операция бўлганлиги сабабли, оғриққа чидай олмаганлиги учун дастлабки терговдаги сўроқ баённомаларига ўқимасдан имзо қўйишга мажбур бўлганини, автомашина ювиш шохобчаси олдида Н.Ахроров билан кўришмаганини, моддаларни тожик маҳалласидан нотаниш шахсдан сотиб олганини, лекин сотган шахсни аниқ эслай олмаслигини, қилган ишидан пушаймондалигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ қирорлик, судланувчи [REDACTED] қисман иқрорлик, судланувчи [REDACTED] иқрорлик билдирмасдан кўрсатув беришган бўлсалар-да, уларнинг жиноят содир этишдаги айби судда текширилган қуйидаги далиллар билан жумладан;

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни яъни ҳақиқатдан ҳам, дўсти [REDACTED] илтимоси билан 2025 йил 12 июль куни уни яшаш



хонадонига бошқарувидаги давлат рақам [REDACTED] бўлган “Spark” русумли автомашинада бориб, уни олиб, унинг кўрсатмасига асосан Бўстон даҳасига борганини, у [REDACTED] олишганини, [REDACTED] ва [REDACTED] автомашинада ўзаро гаплашишганини, шундан сўнг О. [REDACTED] билан Андижон шаҳар, Ўзбекистон МФЙ ҳудудидаги Ёғ завод олдига уларни олиб борганини, [REDACTED] автомашинадан тушиб, автомашина ювиш шахобчасига кириб, 5-10 дақиқадан сўнг қайтиб чиқиб автомашинага ўтирганини, шундан сўнг [REDACTED] Бўстон даҳасига ташлаб қўйиш учун кетаётиб, Андижон шаҳридаги 7-сон умумтаълим мактаби ёнига етганида, бир неча фуқаролик кийимида бўлган ИИБ ходимлари келишиб, ўзларини таништиришиб, ёнида таъқиқланган нарса ва буюмлар бўлса ўз ихтиёри билан тақдим қилишликларини сўрашганида, [REDACTED] “гашиш” гиёҳвандлик моддасини тақдим қилганини, О. [REDACTED] олдидан ҳам алоҳида “гашиш” гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланганини, моддалар далилий ашё сифатида олинганини баён қилиб берган кўрсатуви;

Шунингдек, нарсани олиш баённомаси, соф вазнини аниқлаш ҳақидаги баённома, суд-кимёвий экспертиза хулосаси, суд-наркологик экспертизаси хулосаси, нарсани ашёвий далил деб топиш ва олиш қарори дастлабки тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган мақбул ва ишончли далиллар мажмуи билан исботланган.

Гарчанд, Н. [REDACTED] суд мажлисида айбига иқроқ бўлмасдан, судланувчи Д. [REDACTED] ва М. [REDACTED] ни танимаслиги, уларга гиёҳвандлик моддаси бермаганлиги, О.Сидиковга ҳам гиёҳвандлик моддасини бермаганлиги, автомашинаси ва яшаш хонадонидан олинган гиёҳвандлик моддаларини ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётганлиги, яшаш хонадонидан олинган электрон тарозида ўзи истеъмол қиладиган гиёҳвандлик моддасини тортиб, кейин истеъмол қилиб келгани, тергов давридаги сўроқ баённомаларга терговчи томонидан босим қилингани сабабли, ўқимасдан имзо қўйиб бергани ҳақидаги важлари ҳамда судланувчи [REDACTED] ва О. [REDACTED] овларни гиёҳвандлик моддасини Н. [REDACTED] олишмагани ҳақидаги важлари жиноят ишида тўпланган объектив далиллар йиғиндиси, гувоҳларнинг кўрсатувлари, тезкор тадбир жараёнида олинган ашёвий далиллар, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, суд-кимёвий, суд-наркологик экспертизаси хулосалари, дастлабки тушунтириш хатлари, содир этилган жиноятнинг воқеа тафсилотларига тўла мос келиб, далиллар мажмуини тўлдириб, ишончга сазоворлиги билан инкор қилинганлиги сабабли,

[REDACTED] Н.Ахроровдан гиёҳвандлик моддаси олмаганликлари ҳақидаги кўрсатувлари Н. [REDACTED] жавобгарликдан қутилиб қолиш ёки жазони енгиллаштириш мақсадида айтилган, деб танқидий баҳолаб, ушбу важларни рад қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, жиноят ишида тўпланган судланувчиларни ҳам айблайдиган, ҳам оқлайдиган далилларнинг ҳар бирини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси асосида баҳолаб, юқорида қайд этилган далилларнинг ҳар бири ва унинг мажмуи, унинг айбини тасдиқловчи бўлганлиги туфайли ишга алоқадор деб, қонунда белгиланган тартибда



тўпланганлигини назарда тутиб, уларни мақбул деб, суриштирув, дастлабки тергов даврида ва судда бир хил баён қилинганини ва мантиқан бир бирига мос ва ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи бўлганлигини назарда тутиб, ҳуқуқий онгга амал қилиб, уларни ишончли деб баҳолаб, айни вақтда, далилларнинг мажмуини уларни ЖПКнинг 82-моддаси асосида айблаш ва ҳукм қилиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчи ва судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

408-моддасида, суд ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳамма чораларни кўришлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати, судланувчиларнинг ҳаракатлари квалификация масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] ёнидан кўп миқдорни ташкил қилувчи жами соф оғирлиги 18,25 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келиб, жиноят содир этишга суиқасд қилганликда ва яшаш хонадонидида кўп миқдорни ташкил қилувчи жами соф оғирлиги 133,85 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келиб, жиноят содир этишга суиқасд қилганликда ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан, уни соф оғирлиги кўп миқдорни ташкил қилувчи 4 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддасини О.Сидиковга ўтказганликда ифодаланган ҳаракатлари ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан ҳамда соф оғирлиги кўп миқдорни ташкил қилувчи 2,03 грамм “гашиш” гиёҳвандлик [REDACTED] ўтказганликда ифодаланган ҳаракатлари ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан, судланувчи [REDACTED], М.Усмоновларни кўп миқдорни ташкил қилувчи “гашиш” гиёҳвандлик воситасини келгусида ўзларининг истеъмоли учун, сотиш ёки ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаганликда ифодаланган хатти-ҳаракатлари ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан, [REDACTED] кўп миқдорни ташкил қилувчи 0,69 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини келгусида ўзининг истеъмоли учун, сотиш ёки ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаганликда ифодаланган хатти-ҳаракатлари ЖК 25,273-моддасининг 2-қисми билан, [REDACTED] соф оғирлиги кўп миқдорни ташкил қилувчи



3,31 грамм “гашиш” гиёҳвандлик [REDACTED] ўтказганликда ифодаланган ҳаракатлари ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан нотўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Зеро, Олий суд Пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2017 йил 28 апрелдаги қарорининг 21-бандида ЖКнинг 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозимлиги, гиёҳвандлик воситалар, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавfli кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги, мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши;

25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан юқорида қайд этиб ўтилган Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилинмаган.

Хусусан, дастлабки тергов [REDACTED]

133,85 грамм,

Д. [REDACTED] ўтказган 3,31 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситалари кўп миқдорни ташкил қилишидан келиб чиқиб, уларнинг гиёҳвандлик воситасини ўтказганликда айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, бироқ уларнинг гиёҳвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига сотганлиги ҳақидаги хулосасига асос бўладиган бирон-бир далилни келтирмасдан тахминларга асосланиб, [REDACTED] 1-2-эпизодлар бўйича ЖКнинг 273-модданинг 5-қисми билан, 3-4-эпизодлар бўйича 25,273-моддасининг 5-қисми билан, О.Сидиковга 1-эпизод бўйича ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан айблов эълон қилиб хатога йўл қўйган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида ёнидан топилган гиёҳвандлик моддасини Н [REDACTED] олмаганлигини, бошқа нотаниш шахсдан олганлигини, моддани Д [REDACTED] унинг илтимосига кўра истеъмоли



учун берганини, бунинг учун [REDACTED] пул олмаганлигини, унга сотмаганини баён қилган. Д. [REDACTED] ов ҳам суд мажлисида судланувчи О. [REDACTED] гапларини тасдиқлаб, [REDACTED] гиёҳвандлик моддасини ўзининг истеъмоли учун илтимос қилиб олгани, бунинг эвазига унга бирор моддий қимматлик ёки пул бермаганини баён қилган.

Судланувчи [REDACTED] суд [REDACTED] умуман танимаслигини баён қилган.

Шунга кўра, гиёҳвандлик воситалари фақат кўп миқдорда топилгани ёки экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги берган хулосасининг ўзи айбдорни гиёҳвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига ўтказганликда айблаш учун етарли далил ҳисобланмайди.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, [REDACTED] ёнидан чиққан жами 18,25 грамм ва яшаш хонадонидан чиққан жами 133,85 грамм гиёҳвандлик моддаларини келгусида сотиш мақсадида сақлаганлигини тасдиқловчи бирорта далил, аниқланмади, бундан ташқари, [REDACTED] ўтказган 4 грамм ва [REDACTED] ўтказган 2,03 грамм [REDACTED] ўтказган 3,31 грамм “ташиш” гиёҳвандлик воситаларини маълум ҳақ эвазига сотганлик ҳолати ҳам аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 28-моддасида агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларни текшириш, иш материалларидан маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Суд ҳайъати юқорида қайд этилганларга кўра, [REDACTED] кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини О. [REDACTED] ўтказганликдаги ҳаракатларини ЖКнинг 273-моддасининг 5-қисмидан, ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “а” бандига, уни ёнидан чиққан жами кўп миқдорни ташкил қилган 18,25 грамм ва яшаш хонадонидан чиққан жами 133,85 грамм кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддасини келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб, жиноят содир этишга суиқасд қилганликдаги ҳаракатларини 25,273-моддасининг 5-қисмидан 25,273-моддаси 3-қисмининг “а” бандига, О.С. [REDACTED] и кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини [REDACTED] ўтказганликдаги ҳаракатини ЖКнинг 273-моддасининг 5-қисмидан ЖК 273-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилишни;

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2017 йил 12 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 6-бандида, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда сақлаш



деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эгалик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозимлиги, бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмаслиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамаси давомида [REDACTED] ва М. [REDACTED] кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини сотишга суиқасд қилганлик ҳолатини исботловчи бирон бир далил аниқланмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 23-моддасининг 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги қатъий белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, суд ҳайъати, [REDACTED] ва М. [REDACTED] ларни ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмидан, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандига, О.Сидиковни 0,69 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддасини келгусида сотиш ёки ўтказиш мақсадини кўзламасдан ўзининг истеъмоли учун сақлаганликдаги ҳаракатини ЖК 25,273-моддасининг 2 қисмидан, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасининг 2-қисмида жазо маҳқумни ахлоқан тузатиш, унинг жинoий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳқум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

50-моддасининг 6-қисмида озрдликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо



муддати ушбу кодекс махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортик бўлиши мумкин эмаслиги;

54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиниши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги Қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 1-бандида судлар эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиний қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиний ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши, 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида



назарда тугилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тугилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофик, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги ролини, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўклиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати юқоридаги Конституция, Қонун талаблари ва Олий Суд Пленуми Қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчилар томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7 ва 8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек, содир этилган жиноятни ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини, айб шаклини, содир этиш усулини инобатга олиб:

-судланувчи Д [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, уни тури ва меъёрини белгилаш масаласини муҳокама қилиб, ЖКнинг 55-моддасига асосан унинг айбига қисман бўлса-да иқроп ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали, қарамоғида икки нафар фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчилигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унга нисбатан айбланаётган модда санкциясида кўрсатилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Д [REDACTED] дастлабки терговда эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 28 октябрдан, 2025 йил 31 октябрь кунига қадар қамоқда сақланган кунларини, тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегириб, узил-кесил ўташ учун озодликни чеклаш жазоси қолдиришни, [REDACTED] жазони ўташ муддати давомида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик каби қўшимча чеклашлар юклашни, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан унинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлигини тушунтиришни, жазони ўташ



муддатини [REDACTED] жазо ижросини назорат қилувчи органларда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазони ижросини таъминлашни Андижон шаҳар ИИО ФМБ зиммасига юклатишни, [REDACTED] нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, бекор қилиб ва “гаров” эҳтиёт чораси учун Андижон вилоят Ички Ишлар Бошқармасининг Андижон шаҳар “Invest Finance bank” Андижон вилоят филиали депозит ҳисоб рақамига топширилган 8.500.000 сўм пул маблағларини [REDACTED] қайтаришни;

Шунингдек, суд-наркологик экспертизасининг 2025 йил 17 июлдаги 478-сонли хулосасига кўра [REDACTED] РИРСИАТМ АФ ҳисобида турмаслиги, гиёҳвандлик касаллиги билан оғримаслиги ва мажбурий даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида мажбурий даволаш чораларини қўлламасликни;

-судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, уни тури ва меъёрини белгилаш масаласини муҳокама қилиб, ЖКнинг 55-моддасига асосан унинг айбига қисман бўлса-да иқроор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилали, қарамоғида 5 нафар фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унга нисбатан айбланаётган модда санкциясида кўрсатилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан [REDACTED] дастлабки терговда эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 28 октябрдан, 2025 йил 29 декабрь кунига қадар қамоқда сақланган кунларини, тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегириб, узил-кесил ўташ учун озодликни чеклаш жазоси қолдиришни, М.Усмоновга жазони ўташ муддати давомида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, жинойтга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик каби қўшимча чеклашлар юклашни, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан унинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлигини тушунтиришни, жазони ўташ муддатини [REDACTED] жазо ижросини назорат қилувчи органларда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазони ижросини таъминлашни Андижон шаҳар ИИО ФМБ зиммасига юклатишни [REDACTED] нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасини ўзгартириб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилишни, [REDACTED] нисбатан дастлаб қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси учун Андижон вилоят Ички Ишлар Бошқармасининг Андижон шаҳар “Invest Finance bank” Андижон вилоят филиали депозит ҳисоб рақамига топширилган 8.500.000 сўм пул маблағларини [REDACTED] қайтаришни,

Шунингдек, суд-наркологик экспертизасининг 2025 йил 17 июлдаги 479-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] РИРСИАТМ АФ ҳисобида турмасида, каннабиноитга тобели синдроми 2-босқич гиёҳвандлик касаллиги билан



оғриши ва мажбурий даволанишга муҳтожлигини инобатга олиб, унга нисбатан жазони ўташ даврида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида мажбурий даволаш чораларини қўллашни;

-судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, уни тури ва меъёрини белгилаш масаласини муҳокама қилиб, ЖКнинг 55-моддасига асосан унинг айбига қисман иқроор бўлса-да иқроор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилали, 1 нафар фарзандлари борлигини, ёшга доир нафақада эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганини ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ва унинг 60 ёшдан ошгани ва ёшга доир нафақада эканлигини инобатга олган ҳолда, ЖК 50-моддасининг 6-қисми талабларидан келиб чиқиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган энг кам муддатидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 50-моддаси еттинчи қисмининг “в” бандига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ тартибли колонияларда ўташни белгилашни, жазони ўташ муддатини қамоққа олинган кунидан, яъни 2025 йил 13 июль кунидан бошлаб ҳисоблашни, унга нисбатан танланган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ўзгаришсиз аслича қолдиришни белгилашни;

Шунингдек, суд-наркологик экспертизасининг 2025 йил 12 августдаги 553-сонли хулосасига кўра, [REDACTED]

[REDACTED] оғриси-да, Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 272-буйруғига асосан 60 ёшдан ошганлиги сабабли, мажбурий даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида мажбурий даволаш чораларини қўлламасликни;

-судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, уни тури ва меъёрини белгилаш масаласини муҳокама қилиб, ЖКнинг 55-моддасига асосан унинг айбига қисман бўлса-да иқроор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилали, 7 нафар фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни айнаи вақтда жиноятни ижтимоий ҳавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖК 273-моддасининг 2-қисми санкциясида назарда тутилган энг кам муддатидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 50-моддаси еттинчи қисмининг “б” бандига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни, жазони ўташ муддатини қамоққа олинган кунидан, яъни 2025 йил 13 июль кунидан бошлаб ҳисоблашни,



унга нисбатан танланган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ўзгаришсиз аслича қолдиришни белгилашни;

Шунингдек, суд-наркологиқ экспертизасининг 2025 йил 12 августдаги 552-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] РИРСИАТМ НХБ АВФ ҳисобида туриши ва гиёҳвандлик касаллиги билан оғриси-да, Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 272-102-буйруғига асосан ўсма касаллиги билан оғриганлиги сабабли, мажбурий даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида мажбурий даволаш чораларини қўлламасликни;

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси тартибида ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил тариқасида олинган ва ДХХ ашёвий далиллар сақлаш хонасида 01776 квитанция билан сақланаётган 3,93 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси ва 01775 квитанция билан сақланаётган 153,93 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини ҳамда ашёвий далил тариқасида олиниб, Андижон шаҳар ИИО ФМБ ашёвий далилларни сақлаш омборига топширилган бир дона елим идиш, бир дона ангишвона ва бир дона электрон тарозини тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED] (i), Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

2-қисмининг “а” банди билан у ёки бу сабаб билан иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Андижон вилояти, [REDACTED]

[REDACTED] шни чеклашдан иборат 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан [REDACTED] дастлабки терговда эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 28 октябрь кунидан, 2025 йил 31 октябрь кунига қадар қамокда сақланган 4 кунини, тайинланган 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазосидан чегирилиб, узил-кесил ўташ учун у ёки бу сабаб билан ўқиш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Андижон вилояти Андижон [REDACTED]

[REDACTED] иқини чеклашдан иборат 2 (икки) йил 11 (ўн бир) ой 26 (йигирма олти) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

[REDACTED] қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.



██████████ озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан унинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ўташ муддати Д ██████████ жазо ижросини назорат қилувчи органларда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазони ижросини таъминлаш Андижон шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Д ██████████ нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, бекор қилинсин ва “гаров” эҳтиёт чораси учун Андижон вилоят Ички Ишлар Бошқармасининг Андижон шаҳар “Invest Finance bank” Андижон вилоят филиали депозит ҳисоб рақамига топширилган 8.500.000 сўм пул маблағлари Д ██████████ қайтарилсин.

██████████),
Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан у ёки бу сабаб билан иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Андижон вилояти ██████████ н чиқишни чеклашдан иборат 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига ██████████ дастлабки терговда эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 28 октябрь кунидан, 2025 йил 29 декабрь кунига қадар қамоқда сақланган 2 ой 2 кунини, тайинланган 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазосидан чегирилиб, узил-кесил ўташ учун у ёки бу сабаб билан ўқиш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Андижон вилояти ██████████ н чиқишни чеклашдан иборат 2 (икки) йил 9 (тўққиз) ой 28 (йигирма саккиз) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

██████████ жазони ўташ муддати давомида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

██████████ озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан унинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ўташ муддати ██████████ жазо ижросини назорат қилувчи органларда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазони ижросини таъминлаш Андижон шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.



М [REDACTED] нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

М [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ даврида гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий тартибда даволантирилсин, ижроси Андижон шаҳар ИИО ФМБга юклатилсин.

[REDACTED] нисбатан дастлаб қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси учун Андижон вилоят Ички Ишлар Бошқармасининг Андижон шаҳар “Invest Finance bank” Андижон вилоят филиали депозит ҳисоб рақамига топширилган 8 [REDACTED] қайтарилсин.

[REDACTED] Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 25,273-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 25,273-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 13 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED] нисбатан танланган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ўзгаришсиз аслича қолдирилсин.

[REDACTED], Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми ва 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан у ёки бу сабаб билан иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган [REDACTED] ишни чеклашдан иборат 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.



Жазони ўташ муддати 2025 йил 13 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

■ нисбатан танланган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ўзгаришсиз аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган ва ДХХ ашёвий далиллар сақлаш хонасида 01776 қвитанция билан сақланаётган 3,93 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси ва 01775 қвитанция билан сақланаётган 153,93 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси, ҳамда ашёвий далил тариқасида олиниб, Андижон шаҳар ИИО ФМБ ашёвий далилларни сақлаш омборига топширилган бир дона елим идиш, бир дона ангишвона ва бир дона электрон тарози тегишли тартибда йўқ қилинсин

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан 10 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

/имзо/

А.Қуваталиев

Халқ маслаҳатчилари

/имзо/

О.Носиров

/имзо/

Ш.Хайитохунов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Туман судининг раиси

А.Қуваталиев

